



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2024 yil « 20 » сентябрь

№ ПФ–142

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги
“Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов
самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
ПФ–6034-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида**

Суд тизимида судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини самарали жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6034-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 20 сентябрдаги ПФ–142-сон Фармониға
илова


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги
“Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов
самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги
ПФ–6034-сон Фармониға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 9-банди қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан
тўлдирилсин:

“Судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини тўлақонли
жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг
ўринбосарлари – судлов ҳайъатлари раислари фаолияти йўналишини
Олий суд раисининг тақдимномасига биноан Олий суд Пленуми
томонидан тасдиқлаш тартиби жорий этилсин”.

2. 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 24 июлдаги ПФ–6034-сон Фармонига
1-илова



Жами бошқарув ходимлари штат бирликлари сони – 208 та, шу жумладан судьялар – 73 та.
Изоҳ: ёрдамчи ходимлар штат бирликлари сони ўрнатилган меъёрлар асосида аниқланади”.

